

**«10% оширилган кэшбэк»
АКЦИЯСИНИ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ**

2024 йил «22» октябрь

- 1.** Ушбу Қоидалар «10% оширилган кэшбэк» номли рағбатлантирувчи Акцияни ўтказиш шартларини, унинг иштирокчиларини аниқлаш тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек ушбу Қоидаларда кўрсатилган бошқа шартларни белгилайди ва «А-Рау» электрон пуллар тизимида Акцияни ўтказиш Қоидалари учун мажбурий Илова ҳисобланади.
- 2.** Рағбатлантирувчи Акциянинг номи: «10% оширилган кэшбэк» (матнда кейинги ўринларда – Акция).
- 3.** Акция ташкилотчиси: «CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION» АЖ – «А-Рау» электрон пуллар тизими оператори.
- 4.** Акция лотерея ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин ҳисобланмайди, Иштирокчилардан иштирок учун тўлов киритишни талаб қилмайди.
- 5.** Акцияда иштирок этиш мажбурий ҳисобланмайди.
- 6.** Акция ўтказиладиган ҳудуд: Акция Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилади.
- 7.** Акцияни ўтказиш муддати: 2024 йил «22» октябрь (соат 00.01) дан 2024 йил «31» декабрь (соат 23.59) гача.
- 8.** Акцияни ўтказишдан мақсад: Электрон пулларни оммалаштириш ва тарғиб қилиш, шунингдек, Ташкилотчи томонидан таклиф этиладиган хизматлар ва сервисларга содиқликни ошириш.
- 9.** Акция иштирокчилари: Акция бошланганидан кейин Тизимда рўйхатдан ўтган ва идентификациядан ўтган «А-Рау» электрон пуллар тизими (матнда кейинги ўринларда – Тизим) мижозлари.
- 10.** Иштирокчиларни Акция шартлари тўғрисида хабардор қилиш тегишли маълумотларни Ташкилотчининг <https://www.a-pay.uz> манзилидаги расмий веб-саҳифасида жойлаштириш йўли билан, шунингдек бошқа усуллар билан амалга оширилади.
- 11.** Акция Иштирокчисига айланиш учун Акция ўтказилаётган даврда Тизимда рўйхатдан ўтиш ва Тизимнинг идентификацияланган Мижози мақомини олган ҳолда Тизимда Оператор томонидан ўрнатилган идентификациялаш тартиб-таомилларидан ўтиш керак.
- 12.** Акцияни ўтказиш доирасида Иштирокчига «А-Рау» мобил иловасида тўловларни қуйидаги тоифаларда амалга оширганлик учун тўлов суммасидан 10% кэшбек олиш имконияти тақдим этилади: коммунал хизматлар, давлат хизматлари, уяли алоқа, Интернет, ТВ, транспорт, муддатли тўловларни тўлаш, таълим, эълонлар, суғурта полислари, интернет-дўконлар.
- 13.** Акцияни ўтказиладиган бутун давр мобайнида ҳар бир Иштирокчи учун белгиланадиган кэшбэк лимити 50.000 (эллик минг) электрон пулни ташкил этади. Кэшбэк Оператор томонидан «Кэшбэк-ҳамён»га автоматик равишда ҳисобланади. Кэшбэк суммасидан фақатгина «Кэшбэк» Содиқлик дастури қоидалари доирасида идентификация қилинган Тизим Мижозлари фойдаланишлари мумкин.
- 14.** 10% миқдоридagi оширилган кэшбэк жорий кэшбэкларни ҳисоблаш тизимига қўшиб ҳисобланмайди. Акция ўтказилиши даврида кэшбэқни ҳисоблашда биринчи бўлиб «10% оширилган кэшбэк» ҳисобланади, Акция лимити тугагандан сўнг (50.000 электрон пул), транзакция суммаси қолдиғига ва кейинги тўловларга Оператор томонидан белгиланган ва амалда бўлган кэшбэқлар тизими қўлланилади.
- 15.** Мазкур Қоидаларнинг 11-бандида кўзда тутилган хатти-ҳаракатлар бажарилмаган тақдирда, Акция Иштирокчиси Акция шартларини бажармаган ҳисобланади ҳамда унга тегишли равишда 10% оширилган кэшбэк ҳисобланмайди ва ҳисобига ёзилмайди.
- 16.** Агар Ташкилотчи Иштирокчилар томонидан Акция Қоидалари бузилиши ҳолатлари ҳақидаги фактлардан хабар топса (мазкур Қоидалар, «А-Рау» электрон пуллар тизимида Акцияларни ўтказиш Қоидалари, «Кэшбэк» содиқлик дастури Қоидаларига риоя қилмаслик, фирибгарлик ҳолатлари, Акцияда фирромлик билан иштирок этиш, била туриб ёлғон маълумотлар тақдим этиш ва бошқалар), бундай Иштирокчилар Акция Иштирокчилари қаторидан чиқариладилар ва 10% оширилган кэшбэк олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинадилар.

17. Ташкилотчи ўз хошишига кўра, бир томонлама тартибда, исталган вақтда, олдиндан огоҳлантирмасдан ва сабабларини тушунтирмасдан, Акцияни ўтказишни тўлиқ ёки вақтинча тўхтатиб туриш, шунингдек, ушбу Қоидаларга ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Акцияни муддатидан олдин тугатиш, тўхтатиб туриш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш эътирозларга сабаб бўлиши мумкин эмас.

18. Акцияни ўтказиш муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда, Ташкилотчи бу ҳақда амалдаги ва (ёки) потенциал Иштирокчиларни тегишли маълумотларни ўзининг <https://www.a-pay.uz> манзилидаги расмий веб-саҳифасида жойлаштириш орқали, шунингдек бошқа усуллар билан оммавий равишда хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

19. Ташкилотчи ушбу Қоидалар, «А-Рау» электрон пуллар тизимида Акцияларни ўтказиш Қоидалари, «Кэшбэк» содиқлик дастури Қоидаларидан четга чиқадиган тушунмовчиликлар, нотўғри талқинлар, тахминлар ёки фикр-мулоҳазалар натижасида юзага келган ҳар қандай даъволар ёки кўрилган зиёнлар учун жавобгар бўлмайди.

20. Ҳар қандай саволлар, тушунмовчиликлар ёки бошқа баҳсли вазиятлар юзага келган тақдирда, Акция Иштирокчиси Ташкилотчига мурожаат қилиш орқали уларни аниқлаштириш / ҳал қилиш бўйича барча чораларни кўриши керак.

21. Ташкилотчи томонидан ўз мажбуриятларини бажаришга бевосита таъсир кўрсатадиган формажор ҳолатлари, шу жумладан сув тошқини, ёнғинлар, иш ташлашлар, зилзилалар ёки бошқа табиий омиллар; оммавий эпидемиялар; давлат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фармойишлари ва Ташкилотчига боғлиқ бўлмаган бошқа объектив сабаблар юзага келган тақдирда Ташкилотчи Акция Иштирокчилари олдида жавобгар бўлмайди.

22. Агар Акция ҳар қандай сабабларга кўра, шу жумладан компьютер тармоғи (техник сабабларга кўра) билан боғлиқ сабабга кўра ўз фаолиятини тўхтатиб турса ёки тўхтатса, Акция Иштирокчиси Ташкилотчи кўрилган ҳар қандай зиён учун жавобгар бўлмаслигига розилик билдиради.

23. Ушбу Қоидаларда назарда тутилган хатти-ҳаракатларнинг бажарилиши факти Акция Иштирокчисининг унинг шахсий маълумотларига ишлов беришга, электрон почта, шахсий кабинет, телефон, шунингдек ижтимоий тармоқлар ва бошқалар орқали хабарларни, Ташкилотчидан ушбу Акцияга, бошқа Акцияларга ва Ташкилотчининг бошқа маълумотларига тааллуқли реклама ва хат-хабарларни олишга розилигини назарда тутати. Иштирокчининг розилиги амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда Ташкилотчига берилади. Иштирокчи исталган вақтда Ташкилотчини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда ўзининг шахсий маълумотларига ишлов беришга берган розилигини қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Шахсий маълумотларга ишлов беришга розиликни қайтариб олиш Иштирокчининг Акцияда келгусида иштирок этишдан бош тортишини билдиради.

24. Иштирокчи томонидан мазкур Қоидаларда кўрсатилган хатти-ҳаракатларнинг амалга оширилиши Иштирокчининг «10% оширилган кэшбэк» Акцияси Қоидаларига, Оммавий Оферта ҳисобланадиган «А-Рау» электрон пуллар тизимида Акцияларни ўтказиш Қоидаларига тўлиқ ва сўзсиз розилигини билдиради.

25. Ташкилотчи: Иштирокчи томонидан Акция шартларига риоя қилинмаганлиги, ўз вақтида бажарилмаганлиги учун; Иштирокчи хатоларининг оқибатлари (бошқалардан ташқари), у томонидан қилинган харажатлар; учинчи шахсларнинг ҳаракатлари учун жавобгар бўлмайди.

26. Ушбу Қоидалар Акциянинг ягона расмий Қоидалари ҳисобланади. Қоидаларни ҳар хил талқин қилишга сабаб бўладиган вазиятлар юзага келган тақдирда, бундай талқин қилиш ва/ёки тушунтириш тўғрисидаги якуний қарор бевосита ва фақатгина Акция Ташкилотчиси томонидан қабул қилинади.

27. Ушбу Қоидалар билан тартибга солинмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатларда «А-Рау» электрон пуллари тизимидаги Акция ўтказиш Қоидалари, шунингдек «Кэшбэк» содиқлик дастури Қоидалари амал қилади.

28. Ушбу Қоидаларда назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатларда, Акция Ташкилотчиси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилади. Томонларнинг жавобгарлик чоралари, шунингдек низоларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланади.